

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
буюк  
давлат

2022 йил — инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 8 декабрь, № 263 (8325)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Қадри ватандошлар!  
Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолин-гизда кўп миллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуг тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чуқур хур-

матим ва эзгу тилакларини изҳор этаман. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонуниимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, гоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни кўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт куриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида "Янги Ўзбекистон" деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий Қонуниимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокама давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмуни ва мантиси, халқимиз билдираётган талаб, истак ва тақлифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда "Инсон — жамият — давлат" деган тамойилни Конституциямиз ва қонунариимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур синдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуглаш бу бордаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кеска авлод вакилларини, ногиронлиги бўлганларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим

ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий Қонуниимизда муҳрлаб кўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз — турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча тақлиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонуниимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Хурматли юрдошлар!  
Пандемия шароитига қарамадан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги — 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмокдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу максадларни рўйбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!  
Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг кутлуг байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!  
Барчамизингиз Яратганнинг ўзи панохида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

### ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

Ер ости сувлари табиат ва аҳоли учун энг зарур чучук сув манбаларидан бири. Ундан тартибсиз фойдаланиш оқибатида кўп жойларда ер ости суви камайиб кетмоқда. Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айрим ҳудудларида унинг сатҳи 5 метргача пасайиб кетган.

Сини кучайтириш ва ундан фойдаланишни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, ер ости сувининг сатҳи 5 метрдан зиёд пасайган ҳудудларда қудуқлар бургилаш ва ер ости сувларидан фойдаланишга мораторий жорий қилинади. Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизиди ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмапти. Шунинг учун ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфидаси

иншоотларни сув ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти кўйилмоқда. Шунингдек, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ҳар бир қудуққа алоҳида эмас, балки қудуқларни бургилаш фаолиятига рухсатнома бериш йўлга қўйилади. Сатҳи пасайиб кетаётган ер ости суви қонларини тубдан қайта баҳолаш бўйича геология-қидирув ишлари амалга оширилади. Яна бир янгилик — ер ости сувларининг ҳолатини кузатиб бориш, хавфли геологик жараёнлардан муҳофаза қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Давлат геологик

мониторинг хизмати ташкил этилади. Умуман олганда, бу чора-тадбирлар ер ости сувининг камайиш жараёнини тўхтатиш ва бошқа ҳудудларда бундай ҳолат юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, сувдан ҳисобсиз фойдаланишга чек қўйиш, бу борада интизомни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Чучук сув манбаларини асраш ва аҳоли учун узок мудатга етадиган захира яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Ў.А.

### ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробацция органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 нафар шахс афв этилди. Афв этилган шахсларнинг 128 нафари асосий

жаздан тўлиқ озод этилди, 201 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озодлиқдан махрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 58 нафар шахсга тайинланган озодлиқдан махрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг 17 нафарини чет эл фуқаролари, 63 нафарини аёл, 26 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 19 нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдаланиш билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

### ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

шу заминда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун мустақкам ҳуқуқий ҳимоя

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Бош қомуси — Конституция қабул қилинган кун. Жорий йил Асосий Қонуниимизнинг 30 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Таъкидлаш керакки, юртимизда ҳуқуқий демократик ва очик фуқаролик жамияти, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий Қонуниимиз мустақкам замин бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Конституцияси — шу заминда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқаролар учун мустақкам ҳуқуқий ҳимоя ҳамдир. Ушбу қутлуг сана муносабати билан хорижлик дипломатлар, сиёсатчилар, чет элда таълим олаётган ёки меҳнат қилаётган ватандошлар ўз табрикларини йўлламоқда.

Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-УТАЙБИЙ, Саудия Арабистонининг Ўзбекистондаги элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2022 йил август ойида Подшоҳликка амалга оширган расмий ташрифи давомида икки давлат раҳбарлари интилишларига мувофиқ тарзда давлат ва хусусий секторлар ўртасида битимлар ҳамда англашув меморандумлари имзолангани ўзаро алоқалар тобора та-

раққий этаётганини ёрқин ифодалади. 8 декабрь — Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига самимий табрикларим ва истакларимни йўллаб, қардош Ўзбекистонга тараққиёт, фаровонлик ва барқарорлик тилайман.

Ари КАГАН, Нью-Йорк шаҳар депутати (АҚШ): — Мен Америка Қўшма Штатларида ўзбекистонликлар энг гавжум ва жипис бўлиб яшайдиган Бруклин туманидан сайланган Нью-Йорк шаҳри депутатиман.

Ўзбекистон ва унинг халқи, мамлакат тарихи, ўзбекларнинг урф-одат ва анъаналари, ўзига хос қадриятлари ва миллий байрамлари билан жуда яқиндан танишман.

Ҳар бир халқнинг Конституцияси унинг ўзига хос маданиятини, шарт-шароит ва қадриятларини акс эттиради. Қолаверса, Конституция ҳар бир фуқаронинг умумбашарий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциялари ушбу умумий мақсадга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакатингиз босиб ўтган гоят мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусингизнинг ҳаётбахш кучи ҳамда улкан салоҳиятидан далolat беради. Янги Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари таъминланиши, халқ фаровонлиги оширилиши йўлида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганлиги, албатта, диққатга сазовордир.



### СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН ЮКСАК МАРРАДИР

Бош қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, шунингдек, янги Ўзбекистоннинг юксалиш даврига мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, муволага эмас.

Миллий давлатчиликнинг энг муҳим ҳуқуқий қадриятларини белгилаб берган Конституцияда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янги муносабатлар, янги имконият ҳамда янги қадриятлар шаклланаётганига

халқимиз гувоҳ бўлиб турибди. Бир қатор фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий қўнимлар қаторида "қонун устуворлиги" принципи ҳам реал воқеаликка айланмоқда. Қонун устуворлиги — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари фақат Конституция ҳамда қонунарга мувофиқ бўлиши демакдир.



Мулоқот

### ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фахмунини қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Миср муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентлараро алоқаларни чуқурлаштириш ва таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, туризм, илм-фан, таълим, маданият, ёш дипломат ходимларнинг малакасини ошириш каби йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув сўнгида томонлар кўп томонлама ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

«Халқ сўзи».



## ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА УЙ-ЖОЙ ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни уй-жой билан таъминлаш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик Ватанимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш йўлида садоқат билан хизмат қиладиган ҳарбий хизматчиларни янги марралар сари руҳлантириши табиий.

### Эътибор



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги арафасида Хоразм вилоятининг Шовот туманида Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қўсам хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун мўлжалланган янги тураржой фойдаланишга топширилди.

Ушбу кўп қаватли уй қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 3 млрд. 860 млн. сўм сарфланди. Шундай қилиб, чегара ҳудудига хизмат олиб бораётган 10 нафар ҳарбий хизматчи оиласи 2023 йилни янги уйларда кутиб олиш қувончига мушарраф бўлди.

Одилбек ОДАМБОВ  
(«Халқ сўзи»).

### «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси

## ҲАМ ЯШИЛИК, ҲАМ ХУШ ИФОР

Келаси баҳордан Сирдарё вилоятида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчалар чети, идора-ташқиловлар ён-атрофи ва хиёбонларга манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатлари билан бир қаторда, райҳон ва ялпиз ҳам экилади. Айни ҳоҳда ушбу ҳужбўй ўсимликлар кўчатларини тайёрлашга ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди.

Хусусан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари тавсиялари асосида Сирдарё вилояти экология бошқармаси ходимлари ташаббуси билан аҳоли томирқаларидида иссиқоналарда 3 миллион туп райҳон ва ялпиз кўчати ўстириладиган бўлди.

Маълумот учун айтиш лозимки, жойларда «Яшил ма-

кон» умуммиллий лойиҳаси бўйича экилаётган дов-дарахт турларини танлашда уларнинг хилмаҳилиги, ўтказилаётган ҳудуднинг тупроқ шароитига мослиги ва ҳар жиҳатдан фойдалиги алоҳида эътиборга олинаётди. Манзарали дарахтлар билан бирга, юз минглаб мевали дарахт кўчатлари экилаётгани эса дастур-хонимиз мевачевага янада сероб бўлишини таъминлайди, албатта.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ  
(«Халқ сўзи»).

## 4700 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллик санаси олдидан Андижон вилоятининг Бўстон, Шаҳрихон, Андижон, Булоқбоши туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида жами 6 та янги қорхона фойдаланишга топширилди.

### Жараён

Хусусан, Шаҳрихон туманидаги «Sahovat teks» МЧЖ томонидан 25 млрд. сўм эвазига барпо этилган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қорхонасида 200 та иш ўрни яратилди.

Ушбу қорхона бугундан бошлаб «Роҳатжон» номи остида пахта ёғи маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади. Аҳамиятли томони шундаки, маҳсулот қиздирилиб қадоклангани боис тўғридан-тўғри истаёмолга тавсия этилади. Бир литри 16 минг сўмга баҳоланмоқда ва бу Фарғона

водийси вилоятларидаги энг арзон ёғ маҳсулотини ҳисобланади.

Шунингдек, юқорида келтирилган ҳудудларда ўз фаолиятини бошлаган қорхоналарда трикотаж, поябазал маҳсулотлари, тайёр кийимлар ва маъданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги лойиҳалар тўғрисида 4 700 нафар ҳамюртимиз доимий иш жойига эга бўлишди.

Саминжон ҲУСАНОВ  
(«Халқ сўзи»).

## «Янги Ўзбекистон» МАССИВЛАРИ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Фарғона вилоятининг учта ҳудуди — Фарғона шаҳри, Фарғона ва Ёзёнов туманларида «Янги Ўзбекистон» массивлари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

### Бунёдкорлик

Эзгу ташаббусга кўра, Ёзёнов туманининг «Юқори Сойбўйи» МФИда 65,8 гектар ер майдонига қад ростлаётган массивда 138 та 5 ва 7 қаватли замонавий уйлар қурилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда қарийб мингта хонадондан иборат 33 та кўп қаватли тураржой, 420 ўринли мактабга таълим ташкилоти, 990 ўринли мактаб, 250 кўркам маданият уйи, тиббиёт муассасаси, хизмат кўрсатиш шо-

хобчалари барпо этилаётди. Шунингдек, 3,8 гектар майдонда «Янги Ўзбекистон» боғи яратилаяпти. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ёндош ҳудудда кичик саноат зонаси очилмақда.

— Юқори Сойбўйи маҳалласи вилоятнинг Марғилон ва Кўкөн шаҳри, қўшни Андижон ва Наманган вилоятлари чорраҳасида жойлашгани сабабли бу ерда туризмни ривожлантириш жуда қулай, — дейди Ёзёнов тумани ҳокимлиги қурилиш бўлими бошлиғи Жавлон Мамажонов.

— Шу кунларда 10 га яқин кўп қаватли уйларда қурилиш ишлари ниҳоятга етказилмоқда. Янги массивга 28,4 км. электр, 19 км. оқова сув, 1,8 км. табиий газ қувури тортиш ишлари ҳам бажарилиб, замон талаблари асосида и н ф р а т у з и л м а х и з м а т л а р и н и йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).



### Туризм

# САЁҲАТ

## нафақат ҳордиқ чиқариш, балки билим олиш, жисмонан чиниқиш дегани

Ўзбекистон — туризм учун жуда қулай мамлакат. Юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, саёҳат учун арзийдиган масканларни топа оласиз. Шу боис мамлакатимиз қайси фасл бўлишидан қатъи назар, йил — 12 ой саёҳатга бой ҳамда туристлар билан гавжум.

Бугунги кунда Ватанимизда соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий туризмни тарғиб этиш, аҳоли туризм сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, табиийки, Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва туризмни ривожлантиришга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлаётди.

Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш режаси ва Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Соғлом турмуш тарзи, бу — мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим қисмидир. Чунки айнан талаба-ёшларда ўқиниш давомида соғлом ҳаёт учун зарур билимлар, малака ва кўникмалар мустаҳкамланиб, янада ривожлантирилади.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда эса жисмоний ҳаракатлар, айниқса, сайр-саёҳатларнинг ўрни муҳим. Чунки улар кўп ақлий фаолият ва касб ўрганиш билан боғлиқ билимларни эгаллаш натижасида толиққан ўқувчи-ёшларнинг асабига ва Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.



Туризм турлари орасида энг самарали ва оммабопи, бу тоғ сайри ҳисобланади. Талабалар билан тоғли жойларда сайрларни ташкил қилиш ва ўтказиш, яхши ҳордиқ чиқариш ҳамда сайёҳлик техникаси асосида мусобақалар ташкил этиш нафақат саломатликни мустаҳкамлайди, балки ёш авлоднинг минтақадаги табиатини, ҳайвонот дунёси ҳамда экологини сақлаш бўйича билимларини бойитишга хизмат қилади. Шу билан бирга, уларнинг спортчиларга хос чидамлик ва эгилювчанлик сифатларини тарбиялайди.

Олий ўқув юртиларида туристик ҳаракатларни яхши йўлга қўйиш, уни ривожлантиришда педагогик жамоаларнинг роли ҳам бениҳоя каттадир. Ўқитувчилар ўз фанлари бўйича яхши билим берибгина қолмасдан, балки талабаларнинг дарсдан ташқари машғулоти, касб танлаши, спорт ва саёҳатлар билан шуғулланишлариغا яқиндан ёрдам бериши лозим.

Ёшларни туризм ҳамда ўлка-шунослик тўғрисида жалб қилиш, саёҳатлар уюштириш ва уни ўтказишда география, ботаника, тарих ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчиларидан алоҳида фаоллик талаб этилади.

Таъқидлаш ўринлики, юртимизда туризмни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган. Шу асосда республикамиз бўйлаб турли тадбирлар ўтказилаяпти.

Бугун ёшларни туризмга қизиқтиришда муқаддас қадимжоларнинг аҳамияти катта эканлиги инобатга олинди, бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш устуворлик касб этмоқда. Ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон туризм статистикаси, соҳадagi ислоҳотлар, ўзгаришлар, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистонга саёҳат қилишга чорловчи тарғибот ҳақида батафсил маълумот бериб боришмоқда.

Умуман олганда, ёшларни туризмга қизиқтириш уларни она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Шу маънода, бу борадаги чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим. Зеро, туризмни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни бу йўналишга қизиқтириш барчамизнинг, яъни ҳар бир педагог, ота-оналар ва кенг жамоатчилиكنинг муҳим вазифаларидан биридир.

Насиба ШОМИРЗАЕВА,  
Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси.



«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида уюштирилаётган тадбирлар зиёрат туризми салоҳиятини яна бир қарра намоён этияпти, десак, муболаға эмас.

Ҳўш, нима учун айнан туризм масалаларига эътибор кучайтирилди? Бунинг аҳамияти ва мақсади нима-лардан иборат?

Айтиш жоизки, туризм ривожланса, нафақат мамлакат иқтисодиёти, балки одамларнинг дунёқараши ва билимлари мустаҳкамланиши, қолаверса, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш орқали уларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиш, ишчанлигини ошириш мумкинлиги тадқиқотларда ўз исботини топган.

Шу маънода, ўқувчи-ёшлар, талабалар ўртасида турли саёҳатларни уюштиришнинг аҳамияти беқийёс. Бу уларни соғлом турмуш тарзига ўртатади.

нинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан аҳамияти катта.

Туризмни йўналиш ҳамда фаолият характерига қараб айлиниш, саёҳат, сайр, экспедицияга бўлиш мумкин. Уларнинг туридан қатъи назар, мақсадлари эзгу, яъни киши организмни чиниқтириш, соғломлаштириш, маънавий савиясини, билимини, дунёқарашини юксалтиришидир. Биргина сайр ўқувчи-ёшлар, меҳнатқашларнинг жисмоний тайёрлигини такомиллаштириш, ўлкани ўрганиш учун кўмаклашишга хизмат қилади.

Умуман олганда, ёшларни туризмга қизиқтириш уларни она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Шу маънода, бу борадаги чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим. Зеро, туризмни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни бу йўналишга қизиқтириш барчамизнинг, яъни ҳар бир педагог, ота-оналар ва кенг жамоатчилиكنинг муҳим вазифаларидан биридир.

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси.

## ЎҚУВ БИНОСИ КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Бухоро вилоятининг Гиждунов туманидаги 9-умумтаълим мактабини жорий ўқув йилида 41 нафар ўғил-қиз битиради. Таълим даргоҳидаги сўнгги унутилмас сабоқлар энди улар хотирасида янги ўқув биносида ўтгани билан ҳам ёдда қолади.

Гап шундаки, тумanning Бақоллар маҳалласида жойлашган ушбу мактаб бинасининг қурилишига ярим асрдан ошган эди. Табиийки, вақт ўз таъсирини ўтказди. Бино маънан эскирди. Замонавий ўқув биносига зарурат туғилди. Маҳалла ёшлари, жумладан, мактаб битирувчилари ҳам ҳар томонлама қулай, шинам сифхоналарда ўқиш орасида эдилар. Мукам-

мал таъмирлаш ва қурилиш ишлари учун давлатимиз томонидан 5 миллиард 372 миллион сўм маблағ ажратилган бу оруз ушаладиган бўлди. Қурувчиларнинг машаққатли меҳнати билан иншоотнинг фасад қисми, коммуникация тармоқлари янгиланди. Қўшимча синф хоналари барпо этилди. Бинога ёндош жойда спорт зали ҳам қурилди. Қисқача айтганда, олти

ой ичида мактаб тамоман янги қиёфа касб этди.

Ушбу таълим даргоҳи ўқув самарадорлиги бўйича туманда етакчи мактаблардан саналади. Жорий ўқув йилида масканд таълим олган 23 нафар ўқувчининг Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларга ўқишга қабул қилингани ҳам шундан далолат беради.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

# ДОИМИЙ ҲАРАКАТ ВА ЧИНАКАМ КУРАШ ЗАМОНИ

Ҳамма нарса инсон қадри учун. Бундай умумбашарий тушунча қадимий халқларнинг адолат ва эзгуликка муштарак адабиёт дурдоналари ҳамда муқаддас китобларида, аждодларимизнинг ҳадисларида доимо улуғланиб, бирламчи ўринини эгаллаб келган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Инсон қадри учун» тамойили ҳам халқимиз оруз-умидларини рўёбга чиқарувчи маёқ вазифасини ўтамоқда.

### Муносабат

Қарангки, давлатимиз раҳбари яқинда Францияда расмий ташриф билан бўлиб, халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатлари юзасидан салмоқли иқтисодий келишувларга эришиб қайтганди. Орадан ҳеч вақт ўтказмай, доимигидек шижоат билан Навоий вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида, яъни фаоллар билан учрашувда вилоятда сўнгги уч йилда 2 миллиард долларлик йирик саноат лойиҳалари қурилиб, аҳоли учун фойдаланишга топширилгани мамнуният билан айтилди.

Танганинг икки томони бўлганидек, давлатимиз раҳбари вилоятдаги ўзгариш ва ютуқлар билан бирга, ҳудуддаги тўлғаниб қолаётган, айрим ечимини топмай келаётган масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратди. Хусусан, тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган сунъий муаммолар, масалан, бўш турган ер участкаларидан самарали фойдаланилмаётгани, мутасаддилар лоқайдлик билан қараётгани танқид қилинди.

Президентимиз Навоий республикамизда энг кўп саноат зоналарига эга ҳудудлигига қарамастан илсиз ёшлар мавжудлиги кишини таажублантиришини билдирди. Бу борада мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бунинг учун эҳтиёжманд оилалардаги аёлларни, қизларни касбга ўқутиш, бандлигини таъминлаш ҳаётий зарурат экани қатъий кўрсатиб ўтилди.

лиги соҳасидан унумли фойдаланиш ташаббуслари савобли ва хайрли иш бўлиб, бу бозорларимизда арзончиликни таъминлайди.

Шу боис озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим бўлган томорқа ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги бор имкониятлардан тўғри фойдаланишга ниҳоят эътибор берилди. Сессияда аъёнаний тарзда аҳолини қўйиб қелаётган ижтимоий соҳа ҳам муҳожама қилинди. Муҳожама чоғида «Ташаббусли бюджет» доирасида 326 та маҳалла томонидан 2 минг 346 та энг долзарб муаммо кўтарилгани, бу кенчиктариб бўлмас ечимлар билан ҳулоса қилиш кераклигини билдириши айтилди.

Шу ўринда сессияда вилоятнинг аграр соҳа, ичимлик суви ва автомобиль йўллари лойиҳаларига қўшимча 180 миллион АҚШ доллари жалб қилиш бўйича топшириқ берилди. Бунча маблағ ажратили-



ши эвазига натижа бўлиши, келаси йил 240 минг аҳоли бандлигини таъминлаш шартлиги муттасаддилар олдиға кўндаланг қўйилди. Жумладан, 2023 йил якуни билан Навоий камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлиниши шарт ва зарурлиги ўқтирилди.

Анжуманда туман ҳокимлари ҳар ой маҳаллий Кенгашга маҳалла раислари ва фаоллари олдига ҳисобот бериши, вилоятда Администрация вакиллари иш олиб бориши, вилоятда аҳолини қийнаётган муаммолари масалаларни тезкор ечиш масалалари билан шуғулланиши юзасидан топшириқ берилди.

Вилоятда амалга оширилган ижобий томонлар ҳам қайд этилиб, ўтган уч йилда ҳудудда мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани, йилга қўшимча 1 триллион сўм солиқ тушуми ҳамда 100 миллион доллар экспорт амалга оширилгани айтилди. Яқинда ишга тушган «Балпан-тоғ» ва «Томди-булок» конларидан йилга 3 миллион тоннадан ортинча бой маъдан қазиб олиш келгусида мамлакат тараққиётини белгиловчи омилардан бир эканлиги эътироф этилди.

Истиқболли лойиҳалар ижроси

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Навоийлик сайловчилар билан ташвиқотларда Шавкат Мирзиёев илгари сурган истиқболли

лоийҳалар бугун ўз самараларини берапти, десак, муболаға эмас.

Уша пайтларданок, ўз олдиға мамлакатда аҳолига муносиб турмуш тарзи ва яшаш шароитларини яратиш бўйича улкан мақсадлар қўярган, номзод Навоий шаҳрида 4 минг ва туманларда 14 минг хонадонли кўп қаватли уйлар, Зарафшондаги Саноатчилар шаҳарчаси ҳамда Кармана туманида Бағдод тажрибаси асосида «Янги Ўзбекистон» мавзеси қурилиши режалаштирилган эди.

Келгуси беш йилда минг километрдан зиёд ичимлик суви ҳамда 5 минг километр электр тармоғи, 6 минг километр автомобиль йўллари қурилиши мўлжалланганди. Дастурда иқтисодий ривожлантириш, иш ўринлари ва экспортни кўпайтириш энг асосий вазифалар этиб белгиляниб, Навоий вилоятда келгуси беш йилда 9 миллиард долларлик 2 минг 200 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши, 75 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинганди.

Умумий қиймати 3 миллиард 400 миллион доллар бўлган газ-кимё технология кластери ташкил этиш, қарийб 3 миллиард долларлик 7 та электр станциясини ишга тушириш ҳам шулар жумласидандир.

Ҳўш, бу борадаги ишлар қай даражада уддаланди. Учрашувда ана шу вазифалар ҳам сарҳисоб қилинди. Қайд этилдики, Навоий кон металлургия комбинатида «Турбай кони»ни кенгайтириш бўйича 130 миллион долларлик лойиҳа ва «Пистали кони»да олтинни қайта ишловчи 275 миллион долларлик лойиҳанинг 60 фоизи амалга оширилгани улкан ютуқларимиздан бири экани айтилди.

Бундан ташқари, Карманда 35 миллион долларлик калий нитрат, Қизилтепада 10 миллион долларлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳамда Томдида 70 миллион долларлик фосфорит ишлаб чиқариш лойиҳаси

амалга оширилаётгани маълум қилинди.

Яна бир долзарб масала, йиғирмата туризм маҳалласида инфратузилмани яхшилаш бўйича 50 миллиард сўмлик лойиҳа келгуси йил Давлат дастурига киритилмаган бўлди.

Одамлар ҳаётига чуқур кириб бориларкан, таҳлиллар натижасида уларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кераклиги, оилавий тадбиркорлик қилишлари ва ўз-ўзини банд этишлари учун туртки кераклиги маълум бўлиб қолмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан келгуси йилда Конимех, Томди ва Учқудук яйлосларида қудуқ қазилма 10 миллиард сўм субсидия ажратиладиган бўлди.

Хусусан, 1,5 минг гектарда яйлос ўсимликлари урунчилиги ҳужалиги ҳамда 5 минг гектарда қаврак плантацияларини барпо этиш, дала ва йўл четларида 6 миллион туп тут қўчатини экиш ва ипақчиликда 58 минг аҳоли бандлигини таъминлаш, келгуси йилда қоракўлчилик ва қўйчилик лойиҳаларига 20 миллион доллар ажратилиш, 10 миллион доллар инвестиция ҳисобида Кармана ва Хатирчида агролостик мажараларини ишга тушириш чора-тадбири қабул қилинди.

Ёшлар бандлиги — асосий масала

Бугунги куннинг энг ўткир муаммоси ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг катта ҳаётга тўғри қадам босиши учун масъулият билан ёндашиш ва уларни бошланғич рағбатлантириш, бўш вақтларини банд этишдир.

Шу мақсадда 500 минг гектар яйлосларда ёшлар бандлигини таъминлаш дастурини қабул қилиш ва дастур доирасида лойиҳаларга 15 миллион доллар ҳамда қудуқ қазилма қўшимча 20 миллиард сўм субсидия ажратишга топшириқ берилди.

Яна шуни таъқидлаш жоизки, ўтган беш йил давомида Навоий вилоятда

3,485 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, мактабга таълим муассасаларида 5,1 минг ўрин, мактабларда 18,9 минг ўрин, сифохонада 1,5 минг ўринга мўлжалланган койкалар жойлаштирилди.

Сессияда ҳар галгидек давлатимиз раҳбари қуюнқалик билан катта ишларга тамал тошини қўйиб берди. Энг муҳими, бу ишлар, илгари сурилган ташаббуслар навоийликларнинг юзига табассум югуришига сабаб бўлди. Келгуси йил уй-жой ипотекаси учун 100 миллиард сўм ва 50 та янги боғчага 5,5 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бу ҳам катта гап, албатта.

Масалан, яна Учқудуқдаги иссиқлик тизимини янгилашга 51 миллиард сўм, Ғозгон ва Навоийда 2 та электр подстанцияси қуришга 143 миллиард сўм ажратилиб, 11 та мактабга қўшимча бино, 33 та мактабга спорт зали қуриш лойиҳасини келгуси йил Давлат дастурига киритиш лозим топилди.

Шунингдек, Учқудуқда 78 километр сув тармоғи қуриш лойиҳасига 100 миллион доллар жалб қилиш, Кармандаги Боғишамол ва Янгиҳаёт маҳалларидидаги темир йўл устидан йўлтуқазғич қуриш ҳамда Ислон тараққиёт банкининг Кармана, Қизилтепа ва Навбахордаги 34 та қишлоқ ривожлантириш лойиҳаси доирасида 54 миллион доллар йўлнаттирилди.

Хайрли ишларнинг кўлами янада ортадиган бў

